

Ҳайдар МУҲАММАД



Саҳна ортидаги ҳангомалар



Ҳайдар Муҳаммад

**САҲНА ОРТИДАГИ
ҲАНГОМАЛАР**

**Тошкент
«Фан»**

85.334.3(5У)

М96

Ҳайдар Муҳаммадни яхши танийсиз, унинг шеърларини, ҳикояларини ўқигансиз, саҳна асарларини театр залларида ўтириб томоша қилгансиз, эфирдан янграган қўшиқларини тинглагансиз. Бу навбат, у китобхонларга Ўзбек Миллий академик драма театри етакчи артистларининг саҳна ортидаги ҳангомаларини тақдим этмоқда.

Муҳаррир: Асрор САМАД

Тақризчи: Толиб КАРИМОВ
Ўзбекистон халқ артисти

Ҳайдар Муҳаммад

Саҳна ортидаги ҳангомалар. Ҳайдар Муҳаммад. –Т.: Фан, 2005.
64-бет.

ББК 85.334.3 (5У)

№249–2005

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси.

ISBN 5-648-03248-X

© Ҳайдар Муҳаммад (муаллиф),
Эркин Юсупов (нашр),
Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти, 2005 йил.

Муаллифдан

Ўзбек Миллий академик драма театрида адабий бўлим бошлиғи бўлиб қарийб 20 йил ишлаган давримда актерларнинг сахна ортида — ҳаётда ҳангоматалаб гапларини кўп эшитганман, ўқиганман. Адиблик ҳунари тақозоси билан бўлса керак, эшитганларимни ён дафтаримга ёзиб борардим. Ҳар бир касбнинг ўз ҳикмати бўлади; деҳқон экин тиккан даласига қараб-қараб қўйса, адиб ёзган асарларига, айниқса, ён дафтарига бот-бот қарайди. Ён дафтаримни варақлаб кўрсам, боз устига хотира сандиғимни кавласам, жуда кўп ҳангомалар ёзиб қўйган эканман. Шу ёзиб қўйганларимга бадиий ишлов бериб нашрга тайёрладим. Албатта, бу рисолада келтирилган ҳазиллар баъзи одамларнинг билганларига тўғри келмаслиги табиий; чунки мен эшитганни у бошқача эшитган бўлиши мумкин, бунинг устига қўлингиздаги бадиий асар, ҳужжатли нарсалар эмас.

Ҳар қандоқ ишга қўл урганда инсонда ният бўлади; ният холис бўлса, иш хайрлик дейдилар. Менинг ниятим актерларнинг ўзаро ҳазилларини шунчаки кўлги тугдириш учунгина эмас, балки санъаткорларимизнинг феъл-атворидаги олижаноблик, самимият, топқирлик ва ҳозиржавобликни намойиш этиш бўлди. Агар бу ниятим санъаткорларимиз суратларини бир қадар акс эттиролса, мамнун бўлардим.

Албатта, ҳар бир китобнинг маърифий томони бўлмоғи керак. Шунини ҳисобга олиб санъаткорларимизнинг қисқача таржимаи ҳолларини, сахнада ўйнаган ролларини ҳам қайд этиб ўтдим. Маълумки, кўпинча машҳур санъаткорларимизнинг номларини яхши билган ҳолда, уларнинг таржимаи ҳолларидан, қилган ишларидан беҳабар бўламиз. Агар менинг берган бу маълумотларим жиндек бўлсин китобхонга фойдали бўлса, мақсадимга эришган бўламан. Шунингдек, Ўзбек Миллий академик драма театрида 1917-2005 йиллар мобайнида сахналаштирилган пьесаларнинг рўйхати ҳам илова қилинди. Саҳву хатолар учун узр сўраб:

Ҳайдар Муҳаммад.

СИЗ ҲАЛИ ХОМ-БЎШСИЗ

Маннон Уйғур репетиция пайтида Тўғон Шукуровга “Сиз бугун репетициядан бўшсиз”, дебди. Тўғон аканинг ёнида турган Сайфи Олимов ҳам ўрнидан туриб кета бошлабди.

— Сиз бўшсиз, деганим сизга ҳам ёқиб кетди шекилли, — деди оға. — Фақат Тўғонга бўшсиз дедим, сизга эмас.

— Оға, ўзингиз ҳам бу гапни шундоқ ёқимли айтдингизки, беихтиёр ўрнимдан турганимни билмай қолибман, — деди Сайфи ака.

— Шунақами? Бўпти, сиз ҳам бўшсиз, — дебди оға валломатлик билан.

Ёш артистлардан бири:

— Оға, бу гап менга ҳам ёқиб кетди-да, — деди кетгиси келиб.

— Йўқ, сиз ҳали хом-бўшсиз, — дермиш оға.

ТУҒМА ЖИННИ БЎЛИШИ МУМКИН

Ҳозирда ҳаммага маълум Тошкент давлат санъат институти Маннон Уйғур номи билан аталади. Лекин Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Маннон Уйғурни шу институтда дарс беришга нолойиқ, деб топилган экан.

Воқеа бундай бўлибди: Институтда ўша пайтда асосан, марказдан юборилган русийзабон режиссерлар, актерлар дарс беришар экан. Нима бўлибди-ю маҳаллий санъаткорларни ҳам дарс беришга жалб қилиш масаласи кўтарилибди. Табиийки, ўша даврда Маннон Уйғурнинг олдига тушадиган билимдон санъаткор йўқ эди. Уни институтга таклиф қилишибди. Маннон Уйғур ҳужжатларини кўтариб кадрлар бўлимига киради. У ерда ўтирган рус аёли ҳужжатларни кўриб, Оғанинг олдига ташлайди:

— Сизнинг институтда дарс беришга ҳақингиз йўқ, чунки умуман, олий маълумотингиз йўқ экан.

— Ие, — дейди Оға ажабланиб. — Уруш даврида республикамизга эвакуация қилинган не-не режиссерлар, актерлар сиз туғма актерсиз, ҳаёт академиясидан ўтган режиссерсиз, дейишарди-ку.

— Бошимни қотирманг! — дейди бидиллаб аёл. Тугма жинни бўлиши мумкин, лекин актер, режиссер тугма бўлмайди. Сизда диплом йўқ, гап тамом — вассалом!

НЕГА ПУЛИНГИЗ КЎП?

Миршоҳид Мироқилов тежамкор одам бўлгани учунми, ҳеч пулсиз юрмас экан.

— Ҳамиша пулингиз кўп-а. Миршоҳид ака? — дейишибди ошналари.

— Кўриб турганларингдек, жуссам кичик, бошим катта. Кийимни “Болалар дунёси”дан сотиб оламан, бошимга лойиқ телпак бўлмагани учун бошяланг юраман. Бошимнинг ярмисини шайтон ялаб кетгани учун сартарошга ҳам ярим пулини бераман, — дермиш машҳур қизиқчи.

ПОЧАПУЎСТИН

50-йилларнинг ўрталарига қадар театр кўмир билан иситилар эди. Бир куни томошага Тошкент шаҳар ижроқўмининг раиси келганини билган Миршоҳид ака саҳнага эгнига почапўстин, бошига тумоқ-телпак, оёғига пийма кийиб чиқади. Ёнидаги шериги:

— Ҳа, Сибирда юрибсизми? Ё бўронда қолдингизми? — деб сўрабди.

— Э, биродар, мен ишлайдиган Ҳамза театрининг кўмири йўқ, бинонинг ичи Сибирдан баттар, шунинг учун шунақа кийиниб олдим! — дейди Миршоҳид ака, залда гулдурос қарсак кўтарилади.

Эртасига раис бир машина кўмир юбортирибди...

ЖОМАСУ БИЛАН ТЕАТРГА

Миршоҳид ака бир куни хотинига сени бугун театрга олиб бораман, деб ваъда қилиб чиқиб кетибди. Кўчадаги ишларини битириб кечки пайт келса, хотини энди боласини жомашуга солиб чўмилтираётган эмиш.

— Ия, ҳалиям тайёр бўлмадингми?

— Юмуш билан бўлиб болани чўмилтириш эсимдан чиқибди, — дебди хотини хижолат бўлиб.

Миршоҳид ака жомашуни ичидаги боласи билан елкасига олиб:

— Бўла қол энди, томошага кеч қоламиз, — деб йўлга тушибди.

— Вой-вой, бу нима қилганингиз! — деб хотин ҳам унинг ортидан уй кийимида кетаверибди.

Миршоҳид ака:

— Тезроқ юр, томошага кеч қоламиз, — деб тинмай жавраб кетаверибди.

Кўчада тумонат одам бу ҳодисани кўриб, бугун томоша зўр бўладиганга ўхшайди, деб кулганча театр тарафга йўналган эканлар.

ПОЧЧАНИ УЯЛТИРГАН ҚАЙНИ

Миршоҳид ака нари борса 12-13 яшар бола эди. Аммасининг эри шўхроқ, суюқроқ одам бўлиб, ҳа деганда Фарғонадаги исловатхонага танда кўяр экан. Зийрак йигитча буни сезар ва поччасига қандай таъсир ўтказишни ўйлар экан. Бир куни унга қулай бир шароит бўлиб қолибди: Миршоҳиднинг акаси уйланадиган бўлибди. Миршоҳид ўртоқлари билан ҳовлига саҳна ясабди. Саҳнага учта эшик кўйибди; биттасининг устига “35-45 ёшгача”, иккинчисининг устига “45-55 ёшгача”, учинчисининг устига “55-65 ёшгача” деган ёзувлар қоқибди. Кейин айнан худди поччасидек соқол кўйиб, худди ўшандоқ кийиниб, биринчи эшикнинг олдига келибди. “Йўқ, менга тўғри келмайди”, деган маънода бош тебратиб иккинчи эшик олдига борибди. У эшикка ҳам узоқ тикилиб туриб: “Бу эшик ҳам менинг жойим эмас”, деб учинчи эшик олдига борибди. “Мана бу эшик менга тўғри келади, қани, бисмиллоҳир раҳмонир раҳим”, деб эшикни очиб кириб яна саҳнага қайтиб чиқади. Томошабин тўйкашлар қотиб-қотиб кулишибди, почча эса, хижолатдан бош кўторолмай қолган экан.

УЙДА ҲАМ ШЎРВА ЭКАН

Абдулла Қаҳҳор Миршоҳид акани ниҳоятда ҳурмат қиларди. Қачон янги пьеса ёзса, биринчи бўлиб Миршоҳид акага ўқиб бергувчи эди. Бир куни ёзувчи янги пьесасини ўқиб бериш

учун Миршоҳид акани уйига таклиф қилибди. Пьеса хийла каттароқ, анчагина вақтни олибди. Пешин бўлибди. Дастурхонга шўрва тортилибди. Миршоҳид ака шўрвани ёмон кўришини билдирмай, бир-икки хўплабди-ю қошиқни четга олиб қўйибди. Овқатдан кейин яна пьеса ўқилишда давом этибди. Кечки овқат маҳалида тугабди. Пешиндан қолган шўрва яна дастурхонга тортилибди. Миршоҳид ака “Ҳалиги ичган икки қошиқ шўрва ҳали жиғилдонимда турибди”, деб ёзувчи билан хайрлашиб, уйига шошилибди. Уйга кела келгунча зора уйда паловхонтўра бўлса, деб орзу қилиб келаётганмиш. Бахтга қарши уйда ҳам шўрва экан.

Эртасига эрталаб трамвайда ишга келаётса, бекатда Абдулла Қаҳҳор турганмиш. Трамвай деразасидан бошини чиқариб:

— Абдулла, уйда ҳам шўрва экан, — деб бақирибди. Абдулла Қаҳҳор жавоб бергунча бўлмай трамвай юриб кетибди.

БИТТАСИ ХҲҲҲ, ҚОЛГАНИ ЖЕНТЕЛЬМЕН

Миршоҳид ака билан Зикр Муҳаммаджоновни туман ҳарбий комиссариатига армияга чақирилувчи йигитлар билан учрашув учун таклиф қилишди. Нима бўлади-ю, учрашувга кеч келишади. Ҳарбий комиссар йигитларни саф торттириб, нутқ сўзлаётган экан. Миршоҳид ака кеч қолганлигини билдирмаслик учунми ёки комиссарга ҳазил қилибми, аста келиб йигитлар сафига тўриб олибди. Комиссар қизиқчининг бу ишини сезиб:

— Призывник Миракылов! Ко мне! — деб буюрди.

Миршоҳид ака ҳам солдатларча шахдам қадамлар билан комиссар олдига келиб гўдайд: “честь” бериш учун кафтини чеккасига қўймоқчи бўлди-ю, бош кийими йўқлиги эсига тушиб, дарҳол кўлини туширди.

— Нега кеч қолдингиз? — деб сўради комиссар қавагини солиб.

— Кечирасиз, ўртоқ комиссар, сартарошхонада жанжаллашиб ушланиб қолдим. Сочимни олдирмоқчи эдим, ҳамма қатори тўлиқ ҳақ тўлайсан, дейди. Йўқ, ярим ҳақини бераман, деб туриб олдим. Кўриб турганингиздек, сочимнинг ярмини табиатнинг ўзи йўқ қилган. Маошим ёмон эмас, лекин нега энди сартарошга ҳақимни берар эканман.

Миршоҳид ака худди солдатлардек комиссарга маъруза қилар, ҳовлида кулги кўтаришган эди. Миршоҳид ака давом этиб, оёғининг ўлчами 33 лигини, кастюмдан 44 кийишлигини, буларни арзон баҳода “Болалар дунёси” магазинидан олишлигини ҳам айтди. Барваста гавдали комиссар уни даст кўтариб олиб қулогига: “Мардлик ҳақида гапир!” деб шивирлади.

Миршоҳид ака комиссарнинг қўлидан ерга тушиб олгач, яна бидирлаб кетди:

— Бир мусофир меҳмонхонадан жой тополмагач, таваккал қилиб битта хонадоннинг эшигини тақиллатибди. Ичкаридан аёл кишининг “Кимсиз?” деган товуши эшитилибди.

— Мен шахрингизга командировкага келган эдим, меҳмонхонада жой йўқ экан, бир кеча уйингизда тунашга рухсат берсангиз, — дебди мусофир ялиниб.

— Бева хотин бўлсам, бегона эркакни қандоқ қилиб уйимга қўяман! — дебди аёл.

— Мен жентельменман, уйингизга қўяверинг, — дебди мусофир.

Шундай қилиб, жентельмен аёлникида тунабди. Эрталаб туриб қараса, уй бекаси товукларга дон сепиб юрибди. Лекин қизиги шундаки, ўнта товукқа ўнта хўроз эмиш.

— Ёпирай! Бизнинг томонларда ўнта товукқа битта хўроз етиб ортади, нега сизларда ўнта товукқа ўнта хўроз? — деб сўрабди ажабланиб.

— Буларнинг биттаси хўроз, қолгани сизга ўхшаган жентельмен, — дебди аёл.

Миршоҳид ака:

— Шунақа, укаларим, армияда мард бўлинглар, жентельменлик қилманглар! — деди.

АРТИСТНИНГ ҚУРТИ БИЛАН ПИСТАСИ

“Қисқартириш” балоси Миршоҳид аканинг ҳам бошига тушган. Сўнгги спектаклда Миршоҳид ака сир бўй бермай ролни маҳорат билан ижро этади; зал тўла томошабинларни роса кулдиради. Ўзи ҳам томошабинлар нафасидан завқланиб, ғам-ғуссани унутади. Ҳақиқий чарчоқни гримхонада сезади. Ўша куни гримхонада тунаб қолади. Эрталаб туриб, белбоғини иккига бўлиб, иккита халтача тикади. Бозорга тушиб, халтачаларнинг биттасига қурут, иккинчисига писта тўлғазиб



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3049> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3049> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3049>